

## **ГАТ АСОСИДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШДА GPS ҚАБУЛ ҚИЛГИЧЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МЕТОДИКАСИ**

**Абдурахмонов С. Н.**

*“ТИҚҲММИ” МТУ доценти*

**Хакимов А. К.**

*“ТИҚҲММИ” МТУ талабалари*

**Турсунбаев С. Д**

*“ТИҚҲММИ” МТУ магистранти*

---

### **ARTICLE INFO.**

**Ключевые слова:** Demographic Trends.

---

### **Резюме**

Бугунги кунда, жаҳонда карталаштиришнинг замонавий методларининг тараққиёти бевосита Геоахборот тизимлари ва технологиялари билан бевосита боғлиқ. Жойлардаги кечеётган демографик жараёнлар, урбанизациянинг ўсиш динамикасига таъсирларини ўрганиш бугунги кунда кўплаб мутахассисларни ўзига тортмоқда. Бундай жараёнларни доимий равишда кузатиб боришда замонавий метод ва технологиялар асосида яратилган карталарнинг ўрни муҳим аҳамият касб этади десак муболаға бўлмайди.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Жаҳонда картага олишнинг замонавий метод ва технологиялари ёрдамида ер ҳақидаги географик маълумотларни тўплаш, сақлаш, рақамли кўринишга айлантириш, таҳлил қилиш, қайта ишлиш, рўйхатга олиш, баҳолаш ва башоратлаш, фазовий маълумотлар асосида моделлаштириш ва визуаллаштириш алоҳида аҳамият касб этмоқда<sup>1</sup>. Бу жараёнлардан мамлакатимиз худудларидаги жумладан, жанубий минтақадаги демографик жараёнлар карталарини яратишда замонавий метод ва технологияларидан фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Мақсадли олиб борилган изланишлар натижасида минтақада демографик тўғрисида маълумотларини тўплаш ҳамда уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш мақсадида демографик жараёнларда ГАТ юритиш лозимлигини кўрсатди. Демографик жараёнларда ГАТ юритишда обьектларининг манзили, координата бўйича жойлашиши, улар тўғрисида маълумотлари ва обьектнинг иқтисодий кўрсаткичлари ташкил этади.

Замонавий ГАТ технологиялари демографик жараёнларда шакллантиришда ҳамда муайян вазифаларни бажаришда ва муаммоларни таҳлил қилишда самарали ёндашувдир. демографик жараёнларда гат юритиш, картографик қатламларини ифодалаш, ва башоратлашда маълумотлар


<sup>1</sup> <http://cca-acc.org>. Canadian Cartographic Association.

координаталари бўйича топографик асосга туширилди ва кадастр ягона тизимиға тақдим этишда ҳар бир объект координаталари бўйича ўзаро устма-уст тушишини таъминлайди.

Демографик жараёнларда ГАТ юритиш уларни картографик таъминлаш алгоритми ишлаб чиқилди, ҳамда карталарини шакллантириш алгоритмини ишлаб чиқишида асосий эътибор картографик моделларга ва алоқа объектлари тизимиға қаратилган.

### Асосий қисм

Дунёда етакчи геодезик асбобларни ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан замонавий оптик электрон асбоблар, электрон рақамли нивелирлар билан биргаликда навигаторлар ишлаб чиқарилмоқда. (1-расм).



**1-расм. Сунъий йўлдошлар ва GPS қабул қилгичлари**

Прёмниклар асосан геодезия, картография ва транспорт навигацияси мақсадлари учун тижорат қилинib келинмоқда. Бугунги кунга қадар GPS прёмникларининг бир қанча авлодлари (ProMark, Ashtech, Leica, Sokia ва Trimble) давлат корхоналари ва хусусий тижорат корхоналари томонидан геодезия ва картография соҳаларида фойдаланилмоқда. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлланиладиган GPS прёмниклари асосан бир ва икки частотали бўлганлиги сабабли, аниқлик даражаси сантиметр ўлчов бирлигига бўлганлиги боис аниқлик даражасини янада мустаҳкамлаш мақсадида давлат геодезик пунктларга боғлаш талаб қилинган.

Геодезик пункт - координаталари маълум бўлган бирор нуқтага нисбатан вазияти геодезик усууллар билан аниқланадиган нуқта. Геодезик пункт координаталари (вазияти) ни аниқлашда координаталари маълум нуқта сифатида баланд жойлашган нуқталар танланади. Геодезик пункт координаталари асосан “Триангуляция” усуулари билан белгиланади. Геодезик пунктлардан узоқ муддат фойдаланиш мақсадида уларнинг ер сиртидаги ўрни геодезик марказ деб аталадиган маҳсус бетон қўйма (монолит) билан белгилаб ўйилади. Бундан ташқари геодезик пунктда пирамида шаклидаги минора (геодезик сигнал) қурилади. Геодезик пункт мажмуи геодезик таянч шахобчалари дейилади. Булар давлат геодезик, маҳаллий геодезик ва план олиш шахобчаларига бўлинади. Геодезик таянч шахобчалари топографик планлар олиш учун таянч пункт бўлиш билан бирга, ҳалқ хўжалиги ва давлат муҳофазасига доир геодезик ва муҳандистехник масалаларни ҳал қилишда ҳам асос ҳисобланади.

Геодезик тармоқ - ер юзасида триангуляция, трилатерация ва полигонометрия асосида барпо этиладиган тармоқ. Аниқлиги бўйича 4 даражага бўлинади, тармоқлари 20 - 25 метрдан бир неча юз метргача бўлиши мумкин. Улар асосан учбурчак шаклида барпо этилади, яъни бир нечта геодезик пунктларнинг ўзаро боғланиши геодезик тармоқни ташкил этади.


Геодезик пункт бурчаклари эса аниқ теодолитлар билан ўлчанади. Ўлчаш аниқлиги (0,7) дан 2" гача, баъзи ҳолларда аниқлик бундан ҳам юқориороқ бўлиши мумкин. Геодезик пункт

нуқталарининг координаталари геодезик ва астрономик ўлчашлардан, баландликлари эса бошлангич деб олинган денгиз сатҳига нисбатан нивелирлаш усули орқали аниқланади.

Тармоқлар ва улардаги пунктлар Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр қўмитасининг геодезия ва картография бошқармаси тузган лойиҳага биноан ўрнатилади. Ернинг сунъий йўлдошларини ердан кузатиш орқали қитъалар аро геодезик муносабат боғлашга ва дунё геодезик тармоқларини барпо қилишга имкон яратилди.

Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоғи 1, 2, 3 ва 4 синфлари пунктларининг умумий зичлиги ҳар 50 км<sup>2</sup> га камида битта пунктни ташкил қиласиди. Ўзбекистон Республикаси худудида ҳозирда 1942 йилда қабул қилинган геодезик координаталар тизими (SR42) амал қиласиди.

Айни пайтда Ўзбекистонда давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари таркиби белгиланган бўлиб, уларни ривожлантириш умумдан айримга ўтиш принципига асосланган. Давлат сунъий йўлдошли радионавигация тизимлари NAVSTAR (АҚШ) ва GLONASS (Россия) ҳамда космик геодезиянинг бошқа усулларидан фойдаланиб қуриладиган давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари ўз ичига қуйидагиларни олади: Референс геодезик пунктлар тизими; 0 синф сунъий йўлдошли геодезик тармоғи; 1 синф сунъий йўлдошли геодезик тармоғи. Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари пунктларининг ўрни координаталарнинг икки тизимида – умум ер ва референс тизимларида аниқланади. Ҳар иккала тизимлар орасидаги боғланиш биридан иккинчисига ўтиш параметрлари алоқаси оралиқ боғланади. Республикамизда сунъий йўлдошли геодезик тармоқларни яратишида давлат геодезик пункт ва тармоқларини асос қилиб олиниши лозим деб ҳисоблаймиз. Маълумки, доимий амал қилувчи базавий станция йўлдош геодезияси приёмниги ва антеннадан иборат бўлади. Ушбу базавий станция ишончли жода барқарор ўрнатилади ва узлуксиз энергия таъминоти манбаи билан ишлайди. Маълумотларни қабул қилувчи приёмник йўлдош сигналларини ўзида қабул қиласиди. Қабул қилинган сигналлар қайта ишланади ва айни вақтда ишлайдиган бошқа мосламаларга узатилиб мосламанинг доимий ишлашини таъминлайди. Геодезик тармоқлар аниқлиги, зичлиги ва барқарорлигига бўлган талаблар турлича бўлади.




**2-расм. Ўзбекистондаги GPS станциялари ва Magellan GPS қабул қилгичи**

Сунъий йўлдош геодезик тармоқларида ишловчи бир қанча приёмниклар мавжуд бўлиб, улар Stonex, Leica, Trimble ва Magellan каби йирик компанияларининг махсулотлари саналади.

Юқорида келтирилган компаниялардан Magellan ҳозирда Ashtech деб номланувчи компания (Франсияда ишлаб чиқарилган) махсулоти бўлмиш GPS (2-расм) приёмник айнан рақамли карталарни юклаб олиш ва навигацион съёмкаларни амалга оширишда қўл келмоқда.

Кишлоқ хўжалиги объектларини исталган масштабдаги рақамли картасини GPS навигаторига юклаш учун энг аввало рақамли картанинг мавзули қатламларини \*.shp форматига келтирилиб олинади.

Навигаторнинг Mobile Mapper Office дастури очилади ва “**Fonoviyе karti**” тугмачаси босилади.




**3-расм. вектор карталарни юклаш ойнаси (мабила маппер оффисе дастури)**

“Фоновие карты” номли дарча очилади (3-расм). Мазкур дарчадан редактор карта тугмачаси босилади.

Хосил бўлган навбатдаги дарчамиздан “Добавит данный” тугмачаси босилади.


Натижада “Добавит слой” ёрдамчи дарчаси очилади ва \*.shp форматидаги мавжуд қатламлар белгилаб олинниб, тугмачаси босилади. (4-расм).



**4-расм. Вектор қатламларни юклаб олиш ойнаси**

Шундан сўнг иккинчи расмда кўрсатилган дарчадаги ҳолат юзага келади ва биз қатламларга масштаб, шартли белгилар ва ёзув киритиш жараёнини кўриб чиқамиз.


Исталган қатлам устига сичқончанинг чап тугмаси 2 марта кетма-кет босилгач “**Параметры слоя**” номи билан ёрдамчи дарча очилади (5-расм).



**5-расм. Вектор қатламларга шартли белгилар берши ойнаси**

Ёрдамчи дарча бандларидан талаб (инструкция)га мувофиқ шартли белгилар тури, ҳажми, номи, ранги, максимал масштаби ва классификацияси ўзгартирилиб “ОК” тугмачаси босилади.


Хар бир қатлам билан шу кетма - кетлик тақорланиб, тузатмалар киритилгач, юқоридаги “Сохранит проект” номли тугмачаси босилиб, лойиха (проект) га тегишли ном берилади ва яна бир бор тугмачаси босилади.



**6-расм. қатламларга масштаб берши ойнаси**

сўнгра “Создат карту” тугмачаси илиб, яратилмокчи бўлган картамизни ишчи хотирага оламиз ва чиқиш тугмачаси босилади (5-расм).

Биринчи расмдаги келтирилган дарчага қайтамиз сўнгра яна бир - бор тугмачасини босиш орқали қатламлар ишчи ойнада намоён қиласиз (6-расм).




**6-расм. Mobile Mapper office дастурининг иичи ойнаси**


Кейинги навбатда GPS навигатори дастури юкланди ва съёмка тури Mobile Mapper устунига кирилади сўнгра USB порт компьютерга уланади.

Компьютерда Mobile Mapper office дастурига кирилиб “Возьмите на GPS” тугмачаси орқали **“Фоновые карты”** автори танланади.

Ишчи ойнага **“Параметры GPS”** номи остида дарча ҳосил бўлади ва у автоматик тарзда навигатор билан боғлангунча кутиб турилади.



**7-расм. Навигатор боши менюси**




**8-расм. Навигатор тузатма менюси**



Навигаторни топгач оқ тугмачаси босилади ва навигаторга фон кўринишида қатламлар бирин - кетин ўта бошлайди.

Иш ниҳоясида навигаторнинг **“Меню”** тугмачаси босилиб, меню бандидаги **“Настройка”** қаторига кирилади (7 ва 8 -расмлар).

Натижада **“Настройка”** авторининг ёрдамчи функциялари ҳосил бўлади, функциялар аторидан **“Выбрать карту”** номли банди орқали (9-расм) **“Подробная карта”** бўшлиғидаги яратилган карта танланади ва **“OK”** тугмачаси босилади (9-расм).



9-расм. Рақамли картани активлаштириши ойнаси




10-расм. Навигацион съёмкани амалга ошириши

Ишчи ойнага юкландын \*.shp форматидаги қатламлар худудий координаталарга боғланган ҳолда намоён бўлади (10-расм).

Юқоридаги кетма - кетликни бажариш орқали етарли тажриба ва малакага эга бўлган мазкур имконияти бор навигаторларда ҳам шу имкониятни текшириб кўриш ва ишлаб чиқаришда синаб кўриш мумкин.

#### Демографик карталарини тузишда ахборотни маълумотлар базасига интеграциялаш

GPS қабул қилгичлари ёрдамида худудий ахборотларни жамлаш ёки янгилаш мақсадида жойларда мутахассислар томонидан тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилади. Тадқиқот ишларини олиб борищдан олдин юқорида келтирилган кетма-кетлик асосида GPS қабул қилгичларига ArcGIS дастурида яратилган ва шакллантириб келинаётган электрон рақамли карта юкланди. (11-расм)



11-расм. ArcGIS дастурида яратилган электрон рақамли карта

Юкландын электрон рақамли карта GPS қабул қилгичида актив ҳолга келтирилади. GPS қабул қилгичини ишчи холатга келтириш учун сунъий йўлдошлар билан боғлаш буйруғи берилади. Сунъий йўлдошлар билан боғланишда энг камида 4 та канал тўлиши талаб этилади ҳамда боғланишдаги PDOP хатолиги 5 дан ошмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси худудида ўртacha 10 тадан 12 тагача сунъий йўлдош билан боғланиш имкони мавжуд. Тоғ ва тоғ олди ҳамда магнит майдони юқори бўлган зоналарда 4 тадан 8 тагача сунъий йўлдош билан боғланиш имконини беради. Жойларда тадқиқот жараёнини олиб боришида худуддаги қуидаги демографик ахборотлар ўрганилади:

- аҳолининг умумий сони;	-	миллатлар;
--------------------------	---	------------

- аёллар;	- ўлим (камайиш);
- эркаклар;	- туғулиш (ўсиш);
- болалар;	- меҳнат ресурслари;
- ногиронлар;	- аҳоли бандлиги.
- нуронийлар;	-бошқа демографик маълумотлар


**Бу маълумотлар ишончли манбалар асосида ўрганилади ва GPS қабул қилгичига киритилади. (12-расм)**

йиллар	қийматлар
1926	343,5
1936	459,6
1950	462,1
1959	508
1970	802
1979	1187
1989	1596,2
1991	1697,7
1996	1974
2000	2212,7
2004	2378,2
2008	2509,4
2012	2777,8
2016	3025,6
2018	3148,4




12-расм. Демографик ахборотдан наъмуна

GPS қабул қилгичига ахборотларни киритишдан олдин, худуднинг географик жойлашувидан келиб чиқиб нуктали қатламда координата олинади. Олинган координатанинг атрибутив маълумотлар жадвалига мазкур түпланган ахборотлар киритиб борилади. Маълумотлар базасига киритилган ахборотлар дастурий таъминот билан интеграцияни амалга ошириш учун онлайн тарзида серверга жамланади. Жамланган маълумотларни серверда автоматик тарзида фавқулотдаги ҳолатлар учун резерв нусхаси олинади. Сўнгра ишчи компьютернинг хотира дискига ахборот автоматик тарзида етказилади. (13-расм)




**13-расм. Интеграциялаш структураси**

Компьютердаги ArcGIS дастурида яратылған электрон рақамли карта юкленади. Юкленған электрон рақамли картага GPS қабул қылғичи ёрдамида олинған нұкталар ва түпнанған ахборотлар импорт килинади. Импорт қилинған нұкталар давлат координаталар тизимиға асосан географик жойлашуvigа күра ҳудудига автоматик тарзда фазовий боғланади. Ахборотлар атрибутив маълумотлар жадвалини түлдіради. Атрибутив маълумотлар жадвалидаги ахборотлар асосида барча күрсаткичларга таяниб шартли белгилар шакллантирилади. Шартли белгилар бир қанча диаграммалар күринишида визуаллаштирилади. (14-расм)



**14-расм. Шартли белгиларни диаграммалар күринишида визуаллаштириши**

ArcGIS дастурий таъминоти ва GPS қабул қылғичи интеграциясини амалга ошириб боғланиш ҳосил қилингандан сўнг навбатдаги тадқиқотларда ахборотлар автоматик тарзда маълумотлар базасига келиб тушади. Маълумотлар базасини янги ахборотлар асосида визуаллаштириш учун ArcGIS дастурининг маълумотлар базаси ва ишчи ойнаси “Обновит” қилиш йўли орқали амалга оширилади. (15-расм)



**15-расм. Ҳудудлардан келган маълумотларни қабул қилиши ва онлайн янгиласи**

## Хулоса

Демографик жараёнларда ГАТ юритиш жараёнида карталарни янгилашда, аэро-космик суратлар ёрдамида ўзгартириш киритилиши талаб этиладиган даражаларининг кўрсаткичлари миқдор ва сифат жиҳатдан баҳоланди, ўзгартиришлар сифат ва миқдор кўрсаткичларнинг шкаласи ишлаб чиқилди. ГАТ технологиялари асосида демографик карталар тузишда картографик - геодезик таъминотини такомиллаштириш мақсадида фойдаланилган ГАТ технологиялари дастурларда карталарни яратилди.

GPS қабул қилгичлари ва уларда маълумотлар олиш, дунёда етакчи геодезик асбобларини ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан замонавий оптик электрон асбоблар, электрон рақамли нивелир билан биргаликда навигаторлар ишлаб чиқарилиши ёритилган бўлиб, намуна нуқтали объектнинг анъанавий GPS съёмкасининг иш жараёни қадамларини бажаришни, атрибут ва расмни охирги қадамда қўшиши батафсил берилган. Келтирилган кетма-кетликларни амалга ошириш натижасида худудда GPS ёрдамида топографик геодезик дала қидирув ишлари амалга оширилади.

Ҳозирги кунда кўпчилик ишлаб чиқариш давлат коорхона ва ташкилотлари қишлоқ хўжалиги ер майдонларини ҳисобини юритишида, назоратини олиб боришка ва экинларни режага кўра жойлаштирувида қўллашмоқда. Stonex S-3 серияли приёмник GPS ва GNSS системада ишловчи ва панеллардан фойдаланиш имкониятлари кенглиги билан фарқ қиласи.

Маълумотлар базасини шакллантириш ва GPS қабул қилгичига интеграциялаш жараёни ҳам батафсил ёритилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари таркиби белгиланган бўлиб, уларни ривожлантириш умумдан айримга ўтиш принсипига асосланган. Давлат сунъий йўлдошли геодезик тармоқлари пунктларининг ўрни координаталарнинг икки тизимида – умум ер ва референс тизимларида аниқланади. Ҳар иккала тизимлар орасидаги боғланиш биридан иккинчисига ўтиш параметрлари алоқаси оралиқ боғланади. Республикаизда сунъий йўлдошли геодезик тармоқларни яратишида давлат геодезик пункт ва тармоқларини асос қилиб олиниши лозимлиги таҳлил қилинди ва уларни демографик карталарини тузишда ахборотни маълумотлар базасига интеграциялаш жараёни ишлаб чиқилди. Жамланган маълумотларни серверда

автоматик нусхаси олинади ва ишчи компьютернинг хотира дискига ахборот автоматик тарзида етказилади.

ArcGIS дастурий таъминоти ва GPS қабул қилгичи интергациясини амалга ошириб боғланиш ҳосил қилингандан сўнг навбатдаги тадқиқотларда ахборотлар автоматик тарзида маълумотлар базасига келиб тушади. Маълумотлар базасини янги ахборотлар асосида визуаллаштиришиллади. Шундан тузиладиган карталарни қисқа вақт ичидаги тузилаш жараёни батафсил ёритилиб берилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. ArcViyew GIS: Rukovodstvo polzovatelya.- M.: MGU, 1998. - 365 s .
  2. Berlyant A.M. Geoinformastionnoye kartografirovaniye.-M.:1997.-64 s.
  3. Berlyant A.M. Kartografiya. Tolkovaniye osnovno'x terminov - M.: GIS -Assostiastiya, 1998. S . 91-104.
  4. Zeyler M. Modelirovaniye nashego mira (rukovodstvo ESRI po proyektirovaniyu bazo' geodannox). - M.: MGU, 2001. - 255 s .
  5. Kartografiya s osnovami topografii: Ucheb. posobiye dlya studentov pedagogicheskix institutov po spesialnosti "Geografiya". Pod red. G.Yu. Gryunberga. - M.: Prosveheniye, 1991. - 368 s .
  6. Konovalova N. V., Kapralov Ye. G. Vvedeniye v GIS. Uchebnoye posobiye. Izd-ye 2-ye ispravlennoye i dopolnennoye. - M.: OOO "Biblion", 1997. 160 s.
  7. Transfer equation for the strain rate tensor and description of an incompressible dispersed mixture (incompressible fluid) by a system of equations of dynamic type Yuldashev, A., Abdisamatov, O., Abdullaev, B., Dustova, S.
- E3S Web of Conferences, 2021, 264, 03025
8. Modeling of heat exchange processes in the Metanetka bioenergy plant for individual use Sharipov, L.A., Imomov, S.J., Majitov, J.A., ...Pulatova, F., Abdisamatov, O.S. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614(1), 012035
  9. Numerical solution of nonlinear integro-differential equations Shodmonova, G., Islomov, U., Abdisamatov, O., ...Kholiyorov, U., Khamraeva, S. IOP Conference Series: Materials Science and Engineering, 2020, 896(1), 012117
  10. Optimization of agricultural lands in land equipment projects Khamidov, F.R., Imomov, S.J., Abdisamatov, O.S., ...Ibragimova, G.Kh., Kurbonova, K.I. Journal of Critical Reviews, 2020, 7(11), pp. 1021–1023
  11. Восстановление и использование деградированных орошаемых земель в контексте диверсификации землепользования Усманов Юсуф Аликулович Абдисаматов Отабек Сайдаматович science and innovation international scientific journal volume 1 issue 8 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337 pp.616-624
  12. Кадастровая стоимость как инструмент мониторинга рыночной стоимости недвижимости. построение математической модели оценки рыночной стоимости объектов недвижимости О.С.Абдисаматов 2023 issn: 2181-3833 | volume 2 | issue 1 | pp.495-502
  13. Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилашда замонавий геодезик технологияларни қуллаш. ассис. О.С.Абдисаматов ассис.А.Жураев ассис.И.Каримов “Халкаро ер куни” муносабати билан “Ер ресурсларини бошқариш ва муҳофаза килишда инновацион ёндошувлар: муаммо ва креатив ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий Тошкент 2019 йил 22-23 апрель 316-319-бет.

14. Қишлоқ хўжалигида суғориладиган ерларидан самарали фойдаланишда инновацион технологияларни жорий этиш. О.Абдисаматов, У.Исломов, Ф. Юсупов Илмий-амалий ароиқтисодий журнали 2019й. 151-153-бет.
15. Abdurakhmonov, S., Safarov, E., Yakubov, M., & Prenov, S. (2021). Review of mapping regional demographic processes using innovative methods and technologies. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 258, p. 03021). EDP Sciences.
16. Narbaev, S., Abdurahmanov, S., Allanazarov, O., Talgatovna, A., & Aslanov, I. (2021). Modernization of telecommunication networks on the basis of studying demographic processes using GIS. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 263, p. 04055). EDP Sciences.
17. Yakubov, K., Khayitov, K., & Abdurakhmonov, S. (2021). Suspension concentration distribution in a stream constructed by spur No. 19 on the Amu Darya river. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 264, p. 03043). EDP Sciences.
18. Abdurakhmonov, S., Nazarov, M., Allanazarov, O., Yakubov, M., & Shamsieva, N. (2021). Review of methodological issues of application of geographic information systems in service maps and their compilation. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 284, p. 02004). EDP Sciences.
19. Abdurakhmonov, S., Abdurahmanov, I., Murodova, D., Pardaboyev, A., Mirjalolov, N., & Djurayev, A. (2020). Development of demographic mapping method based on GIS technologies. *ИнтерКарто. ИнтерГИС*, 26(1), 319-328.
20. Abdurakhmonov, S., Nazarov, M., Allanazarov, O., Yakubov, M., & Shamsieva, N. (2021). Review of methodological issues of application of geographic information systems in service maps and their compilation. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 284, p. 02004). EDP Sciences.